БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП
ТОШКЕНТ ШАҲАР
КОМИТЕТИ ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР
СОВЕТИНИНГ
ОРГАНИ

№ 83 (5374).
11
Апрель, 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

КЕЧА МОСКВАДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ПЛЕНУМ ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИ ВА МАЪҚУЛЛАДИ.

ПЛЕНУМ, ШУНИНГДЕК, УМУМТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ ҲАМ МУҲОКАМА ҚИЛДИ.

ПЛЕНУМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКО КАТТА НУТҚ СЎЗЛАДИ.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 10 апрелда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ташкилий ва бошқа масалалар хусусидаги таклифларини кўриб чиқиб, маъқуллади.

Сўнгра Пленум умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани муҳокама этди. Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. В. Зимянин доклад қилди. Доклад юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари П. С. Федирко, КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари Р. Ф Дементьева, СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров, Харьковдаги «Малишев номли завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Петров ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко катта нутқ сўзлади.

Пленум «Халқ депутатлари Советларининг ишини янада яхшилаш тўғрисида» ва «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида» қарорлар қабул қилди.

Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи ва Пленумнинг қарорлари матбуотда эълон қилинмоқда.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

1984 йил 10 апрелда КПСС Марказий Комитети Пленумидаги нутқи

Ўртоқлар!

Эртага янги сайланган СССР Олий Советининг биринчи сессияси очилади. Марказий Комитет Сиёсий бюросида биз ўтган сайловнинг якунларига атрофлича баҳо бердик. Сайлов меҳнаткашлар партиянинг сиёсий йўлини тўла-тўкис маъқуллаб, ёппасига қўллаб-қувватлаётганликларини намойиш этди. Совет ҳокимиятининг обрў-эътибори шубҳасиз ўсганлиги 180 миллиондан кўпроқ сайловчининг овозлари билан тасдиқланди. Халқ билдирган ишонч асосида ишимизни комил ишонч билан давом эттиравериш мумкин.

Бу ишнинг асосий йўналишларини КПСС XXVI съезди белгилаб берган. Бу йўналишлар Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида ривожлантирилиб, конкретлаштирилди. Гап, коммунизм сари ҳаракат қилишнинг шундай стратегияси ҳақида бормоқдаки, бундай стратегия ҳаракатларидаги сусткашликка ҳам, ривожланишнинг тарихан зарур босқичларидан сакраб ўтишга ҳам мутлақо тўғри келмайди. Гап шу ҳақда бормоқдаки, партиянинг олий мақсадлари йўлида биз ҳали кўпгина катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишимизга тўғри келади, бу вазифалар ўзининг келиб чиқиши ва характерига кўра коммунистик формациянинг биринчи босқичига тааллуқлидир. Аслини олганда, бугунги кунда ривожланган социализмни такомиллаштириш борасидаги катта ва қизғин ишнинг асосий мазмуни ҳам шундан иборатдир.

Бу ишни омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини кенг кўламда авж олдирмасдан, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим проблемаларини ҳал қилишга уни ғоят актив жалб этмасдан туриб бажариб бўлмаслиги тушунарлидир. Экономикамизни жадал ўстириш учун зарур чора-тадбирларни кўрган пайтимизда ҳам, партиянинг кучини идеология фаолиятини қатъиян яхшилашга қаратган пайтда ҳам биз шунга эришиш учун ҳаракат қилдик. Биз бундан буён ҳам шу йўлни ўтказаверамиз.

Бугун Пленумда ўртага қўйилган масалалар характерининг ўзи оммани активлаштиришнинг **социалистик демократияни, жамият бутун сиёсий системасини янада такомиллаштириш** замиридаги резервларидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш кераклигини чуқурроқ билиб олиш учун жуда соз имконият беради. Аввало, СССРнинг сиёсий негизи, социалистик қурилишнинг қудратли қуроли — Советлар фаолиятини яхшилаш замирида оммани активлаштириш резервлари мавжуддир.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, Октябрдан кейин тез орада В. И. Ленин Советларни давлат раҳбарлигининг шундай органларига айлантириш вазифасини ўртага қўйдики, бундай органлар фақат меҳнаткашлар учунгина эмас, шу билан бирга меҳнаткашлар **орқали** ҳам ишлайдиган бўлиши лозим эди. Эндиликда бу вазифа асосан ҳал этилди, деб тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкин. 2 миллион 300 минг депутат, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг, барча миллат ва элатлар меҳнаткашларининг вакиллари, неча ўн миллионлаб активлар — бизда давлат ишлари мана шулар орқали олиб борилмоқда.

Биз доимо — айниқса, СССР янги Конституцияси қабул қилингандан кейин — барча босқичлардаги Советларнинг ваколатларини кенгайтирдик. Бу эса уларнинг фаолиятида қонунчилик, бошқарув ва контролликнинг бирлиги ленинча принципи тўлиқроқ амалга оширилишига кўмаклашди.

Аммо, ўртоқлар, Советларнинг ғоят катта потенциали ҳамон етарлича амалга оширилмаётганлигини эътироф этиш керак. Шундай бир мисолни келтираман. Бизда хўжалик ва маданий қурилишда маҳаллий Советларнинг ролини ошириш мақсадида бир қанча қарорлар қабул қилинди. Бу ҳол жойларда экономикани комплекс ривожлантиришни таъминлашга ёрдам беради, маҳкамачиликка қарши бирмунча мустаҳкам тўсиқ қўяди, аҳолининг ғоят хилма-хил талаб ва эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, унга хизмат кўрсатишни яхшилаш имконини беради, деб мўлжаллашган — тўғри мўлжаллашган эди.

Хуллас, қарорлар чакки эмас. Аммо улар секинлик билан чалакам-чатти қилиб бажарилмоқда. Кўпгина министрликлар ҳамон маҳаллий Советларни четлаб ўтиб, иш кўришга уринмоқдалар. Ана шу министрликлар ўз фаолиятини саноат объектлари қурилишига ва уларни реконструкция қилишга қаратиб, кўпгина уй-жой, социал-маиший ва маданий объектлар қурилишига етарлича эътибор бермаётирлар. Қолаверса, Советларнинг ўзлари ҳам ўз ҳуқуқларидан фойдаланишда ҳамиша етарли даражада қатъият кўрсатяптилар, деб бўлмайди. Натижада уй-жойлар, касалхоналар, болалар муассасалари ҳамма жойда ўз вақтида фойдаланишга топширилмай қолмоқда. Баъзида чала объектлар тайёрдек қабул қилинади. Табиатни муҳофаза қилиш нормалари бузилишига йўл қўйилмоқда.

Бошқа проблемалар ҳам борки, уларни ҳал этишда Советлар кўпроқ активлик кўрсатишлари лозим. Масалан, меҳнаткашлар марказий органларга ёзаётганидек, квартираларнинг совуқлиги, шаҳарда, посёлкада аҳволнинг санитария талабларига хилофлиги, транспорт ишидаги камчиликлар, кўчаларнинг яхши ёритилмаслиги ёки жамоат жойларидаги безорилик каби фактларга халқ депутатлари тоқат қилишлари мумкинми, ахир?

Умуман Советларнинг ғоят бой имкониятлари билан ана шу имкониятлардан амалда қандай фойдаланилаётганлик ўртасида муайян зиддият, тафовут мавжуд. Бунда Лениннинг Советлар тўла ҳокимиятини «декрет билан расмий суратда жорий қилиш билан кифояланмайди», балки бошқариш ишларини амалий суратда йўлга қўймоқ, ҳар кунги ва мунтазам ишда текшириб бормоқ» зарур, деган фикрини эсга олмасдан бўлмайди.

Бундан равшан хулосалар келиб чиқади. Советлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ҳар қандай расмиятчилик кўринишларини бартараф этиш учун унга партия таъсирининг барча методларидан фойдаланиш керак. Бу — куннинг талабидир. Барча партия комитетларига шундай талаб қўйилмоқда. Партия ўзининг Советлардаги раҳбарлик ролини амалга ошираётган депутат коммунистларга ҳам шундай талаб қўйилмоқда, албатта. Бунда уларнинг намунаси муҳим, уларнинг депутатлик вазифаларига масъулиятли муносабатлари муҳимдир. Улар Советларнинг ишига уюштирувчилик асосларини бахш этишлари, халқ сайлаб қўйган ҳамма кишиларни ўз теварагида жипслаштиришлари, уларнинг ижодий ташаббускорлигини рағбатлантиришлари ва йўналтириб туришлари керак.

Ўртоқлар, бугунги кунда Советларга раҳбарлик қилишдаги бизнинг бош умумпартиявий вазифамиз айни мана шундайдир. Биз Советларнинг Конституцияда мустаҳкамланган тўла ҳокимияти доимо ва ҳамма жойда улар фаолиятининг мазмунида ҳам, услубида ҳам ўз ифодасини топишига эришишимиз лозим.

Сессияларнинг ўша ишини олиб кўрайлик. Айни мана шунда омманинг манфаатлари ва коллектив тажрибасини ифода этувчи чинакам халқ ҳокимияти органлари бўлмиш Советларнинг моҳияти жуда тўлиқ намоён бўлади. Бизнинг хўжалик ишларимизда ҳам сессияларнинг роли ғоят каттадир. Сессияларда планлар, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар мунтазам суратда кўриб чиқилиб, тасдиқланмоқда. Бунда экономикамизни ривожлантиришнинг жиддий масалалари юзага келмоқда. Мантиққа кўра, ана шу масалалар тўғрисида ҳам худди шундай жиддий, жонли фикрлашиб олиниши керак. Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлаётгани йўқ.

Бироқ гап фақат шунда эмас. Хўжалик иши, шунингдек. бу иш устидан таъсирчан контроллик ҳам конкретлиликни, оперативликни талаб этади. Сессиялар қанчалик актив ўтмасин, фақат улардагина шу масалага мурожаат этган тақдирда бунга эришиш қийинлиги тушунарлидир.

Ҳар бир Советда доимий комиссиялар мавжуд. Ана шу комиссиялар иқтисодий турмушимизнинг томир уришини **доимо** сезиб турадиган бўлишлари керак. Демак, халқ хўжалигининг эҳтиёжларини ўз вақтида эътиборга олиб, Советларнинг, улар ижро этувчи органларининг асосланган иқтисодий қарорларини топишга ёрдам беришлари, ана шу қарорлар бажарилишини мунтазам суратда контрол қилиб туришлари ҳам керак. Шу жиҳатдан олганда тажриба бор. Лекин давр унинг анча бойитилишини тақозо этмоқда.

Биз беш йилликнинг ниҳоятда масъулиятли маррасига чиқиб олдикки, бунда энди ойлар ҳисобга олинмоқда. Бунда аҳвол шундайки, хўжалик ишимизни янада кучайтирмасликнинг иложи йўқ. Биринчи квартал якунлари ҳам шундан далолат бермоқда. Муайян муваффақиятлар яққол кўриниб турибди. Шу билан бирга қолоқ участкалар ҳам аниқланиб қолди.

Сиёсий бюронинг яқин кунларда ўтказиладиган мажлисида биз халқ хўжалик плани қандай бажарилаётганлигини махсус кўриб чиқамиз, ишларнинг аҳволини яхшилашга доир конкрет тадбирлар белгилаймиз. Аммо ҳозир ҳам шу нарса равшанки, биз ҳаммамиз, ҳар биримиз қандай бўлмасин бўшашувчиликни тақиқлаб қўйсак тўғри бўлади. Давлат плани учун жон куйдириш, ҳатто, истасангиз, ташвишланиш бизни бир дақиқа ҳам тарк этмаслиги керак. Келинглар, шунга келишиб олайлик: бу йил йўл қўйилган ҳар қандай ишкаллик учун, ҳар қандай нуқсонлар учун талабчанлик ҳар қачонгидан кўра қатъийроқ бўлиши лозим. Бизнинг партиявий позициямиз бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Биз депутат коммунистлардан улар Советларда ҳам ишга худди шундай ёндашишни қарор топтиришга ёрдам беришларини кутамиз. Советлар барча лавозимлардаги хўжалик раҳбарларининг ишига талабчанлик билан объектив баҳо беришни қоида қилиб олганлари тақдирда бизнинг экономикамиз кўп наф кўради.

Олий Совет сессиясида биз СССР Министрлар Советининг составини тасдиқлашимиз лозим. Шу муносабат билан министрларимизнинг ва идоралар раҳбарларининг эътиборини шунга жалб қилмоқчиманки, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишда уларнинг роли ва масъулияти ғоят катта ва кўп қирралидир. Шахсан ижодий ташаббускорлик фаолияти, идораларга бўйсунувчи корхоналар ҳамда ташкилотларнинг аҳиллик билан жипслашиб ишлашни уюштириш маҳорати ва қобилияти, турдош корхоналарнинг ходимлари билан аниқ-пухта баҳамжиҳат ҳаракат қилиш ва масалаларни ҳал этиш, шубҳасиз, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларига нисбатан доимо эътибор бериб, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш шулар жумласидандир. Бирон бир раҳбарнинг қанчалик муваффақиятли ишлашини биз план кўрсаткичлари, шартномадаги мажбуриятлар тўла ва ўз вақтида бажарилишига қарабгина эмас, шу билан бирга кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган реал куч-ғайратларга қараб ҳам баҳо берамиз.

Биз ҳозир халқ хўжалигини бошқариш системасини ҳар томонлама такомиллаштиришга киришдик, иқтисодий фаолиятнинг янги формалари ва структураларини қидирмоқдамиз. Аммо янгиликни қидириб топиш зарурлиги бизни ҳозирдаёқ мавжуд бошқарув ташкилотларидан яна ҳам самаралироқ фойдаланишдан чалғитиб қўймаслиги кераклиги тушунарлидир. Аввало бутун Совет органлари ишининг самарадорлигини ошириш лозим. Бунда янги қувватларни яратишнинг ҳожати йўқ. Мавжуд қувватларнинг тўла ишга туширилиши кифоя қилади.

Модомики, гап бошқарув тўғрисида бораётган экан, маъмурий аппаратни қисқартириш проблемасини четлаб ўта олмайман. Қисқартириш ишларини бошқарувнинг қуйи ва ўрта поғоналаридагина эмас, шу билан бирга унинг юқори поғоналарида ҳам олиб бориш керак. Бу нарса кимгадир ёқиш-ёқмаслигидан қатъи назар, бу нарса заруратдир. Бунинг устига марказнинг намунаси қимматлидир.

Биз ҳаммамиз гап жиддий иш тўғрисида бораётганлигини тушунамиз. Зотан, бу ишга партиявийлик билан киришиш керак. Биринчидан, субъектив мулоҳазаларни четга йиғиштириб қўйиш лозим. Иккинчидан эса, бу иш бир вақтда ўтказиб бўлинадиган кампания эмаслигини англаб олиш керак. Бизнинг мақсадимиз — ишлаб чиқаришда ва бошқарувда банд бўлган ходимлар сонининг мақбул нисбатига эришишдан иборат. Бунда бир идорадан иккинчи идорага кўчириш билан иш битмайди. Маъмурий аппарат ошиб кетаётганлиги сабабларини бартараф этиш, бошқарув меҳнатини ташкил этишни ва техникавий таъминланишини доимо яхшилаш зарур. Ўз-ўзидан равшанки, кишиларнинг ўзи, образли қилиб айтганда, идора столидан станок ёнига ўтишдан манфаатдор бўладиган шароитларни яратиш керак. Бунда қандай проблемалар юзага келиши равшан. Давлат, план органлари ва албатта, олий ҳамда маҳаллий Советлар ана шу проблемаларни ҳал этиш билан яқиндан шуғулланишлари лозим.

Ўртоқлар, биз Лениннинг Советлар ишида «Марказий ҳокимият ва маҳаллий ташкилотлар чиқарган қарорларнинг ҳақиқатдан амалга оширилаётганлиги устидан аниқ контрол олиб бориш биринчи ўринда турадиган» бўлиши керак деган талабини унутганимиз йўқ. Бизда бу иш умуман йўлга қўйилган. Кўпгина Советлар ҳисобот бериб турадиган органлар ва мансабдор шахсларнинг улар территориясида жойлашган ташкилотлар ва корхоналарнинг фаолиятини контроллик қилиш ҳуқуқидан самарали фойдаланмоқдалар. Шундай бўлса ҳам бунга коммунист депутатларнинг, Советлардаги партия группаларининг ҳали бажарадиган ишлари бор.

Масалан, контролликнинг депутат сўрови каби таъсирчан формаси ҳам мавжуд. Мен бу форма тез-тез қўлланиб туриладими, деб қизиқиб суриштирдим. Кейинги йилларда барча Советларда тахминан ўттиз депутатга ўрта ҳисобда бир сўров тўғри келар экан. Бу рақамнинг ўзи эҳтимол ҳеч нарсани билдирмас, лекин уни меҳнаткашларнинг Марказий Комитетга, газеталарга, қолаверса барча босқичлардаги Советларга ёзаётган хатлари оқими билан таққослаб кўринг. Кўпгина хатларда турмушимизнинг кишиларни тўлқинлантираётган катта-катта масалалари кўтариб чиқилмоқда. Халқ депутатлари меҳнаткашларнинг бу юмушларини яхши билишларига ҳам, уларга қўшилишларига ҳам аминман. Бу юмушларни Советларда ифода этишни, умумий, ошкора муҳокамага олиб чиқишни ҳамма ҳам билавермас экан.

Чамаси, қабул этиладиган ҳамма қарорларга, барча совет қонунларига риоя этилиши устидан контроллик қилишда ҳам Советларнинг ролини ошириш лозим. Бизда қонунларни бузишга ҳам, четлаб ўтишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳаммага маълум гапни айтаяпман. Афсуски, бундан ҳамма ҳам зарур амалий хулосаларни чиқариб олмаётганлиги учун шу ҳақда гапиряпман.

Буни тасдиқловчи мисоллар оз эмас. Кўпларимиз мана шундай вазиятга неча марталаб дуч келганмиз. Беш йиллик ёки йиллик план эндигина муҳокама қилиниб, бир овоздан тасдиқланган бўлади. Демак, бу план қонун тусини олади. Шундан кейин нима бўлади денг? Гоҳ у, гоҳ бу идоранинг, гоҳ у, гоҳ бу областнинг вакиллари планга мувофиқ ўзларига ажратиб берилганидан ташқари янги моддий, молиявий ресурсларни ҳеч бир асоссиз талаб қила бошлайдилар. Бу факт-ку, ахир. Очиғини айтганда, бу бизнинг эски камчилигимиз. Баъзи ўртоқлар эса бу касалликка шу қадар одатланиб қолганларки, уни оз бўлмаса турмуш нормаси деб ҳисоблайдилар. Бунинг устига айрим кишилар, афтидан, қўшимча воситаларни ундириб олишга кўрсатиладиган «ўткирлик кучи»ни ишчанликнинг энг яхши далили деб фараз қиладилар. Бу тўғри эмас, албатта. Ҳақиқий ишчанлик планларни тузишда, уларни комиссияларда, Советларнинг сессияларида муҳокама этишда керакдир.

Мана шу жойларда баҳслашиш, сайловчиларнинг ўз наказларида ифодалаган манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз фикри учун курашиш лозим. План қонун бўлиб қолганидан сўнг эса уни ҳурмат қилиш, унга риоя этиш ва уни беками-кўст бажариш керак. Бу — хўжалик интизоми масаласигина эмас, бу — партиявий, сиёсий масъулият масаласидир. Совет ҳокимияти қонунларининг обрўсини мустаҳкамлаш тўғрисида биз, коммунистлар, айниқса, раҳбар коммунистлар ғамхўрлик қилмасак, ким ғамхўрлик қилади.

Қонун қатъий, аммо адолатли, деган гап беҳуда айтилмаган. Бизнинг қонунларимиз ҳақиқатан ҳам қатъий. Бинобарин, уларга мана шундай қатъий риоя этилиши лозим. Акс ҳолда тартибни, уюшқоқликни, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ҳамма куч-ғайратлар бекор кетади. Аммо ўз-ўзидан равшанки, биз одамларнинг ташаббусини бўғиш, Ғарбда вайсашаётганидек, одамларнинг турмушини «исканжага» солиб қўйиш учун улар ҳақида жон куйдираётганимиз йўқ, албатта. Асло бундай эмас. Биз учун қонуннинг қатъийлигигина эмас, унинг том маънодаги одиллиги ҳам муҳимдир. Қонун олдида ҳамманинг тенглиги ҳам, бизнинг ҳуқуқий нормаларимиз, бизнинг қонунларимиз меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг меҳнатини ва ижтимоий активлигини ривожлантиришга қаратилганлиги ҳам муҳимдир.

Ўнинчи чақириқ Олий Советнинг қонун чиқарувчилик соҳасида қилган катта иши ҳам шу мақсадга қаратилган эди. Меҳнат коллективлари ҳақида Олий Совет қабул қилган Қонуннигина тилга олиб ўтмоқчиман. СССР Олий Совети ва республикаларнинг Олий Советлари келгусида ҳам шу йўлни давом эттираверишлари шубҳасиз. Энг муҳими шуки, амалдаги қонунлар ҳам, янгилари ҳам социалистик демократиянинг равнақига, ишлаб чиқаришни, давлатни, жамиятни бошқаришда тобора кенг омманинг манфаатдорлик билан иштирок этишига хизмат қиладиган бўлсин.

Ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш вазифалари доимо кун тартибида туриши табиий. Миллий адоватни тугатишда, халқларнинг қардошларча дўстлигини қарор топтиришда буюк роль ўйнаган Советлар ривожланган социализм шароитидаги мавжуд миллий масаланинг ҳам мазмунига жиддий равишда кириб боришлари керак. Чунки, бу — ишнинг ҳамма нозик томонларини эътиборга олиб, фақат коллективчилик, интернационал асосдагина самарали иш қилиниши мумкин бўлган соҳадир.

Советларимизнинг — аввало, СССР Олий Советининг структурасида ҳам, бутун фаолиятида ҳам интернационал ва миллий манфаатларнинг бирлиги яққол намоён бўлади. Бу эса ССР Иттифоқини мустаҳкамлашга яхши хизмат қилиб келди ва хизмат қилмоқда. Шу билан бирга биз давлатимизда қарор топган миллатлараро муносабатларни янги вазиятлар ва замон таъсирига учрамайдиган қандайдир қотиб қолган ўзгармас бир нарса деб ҳисобламаймиз. Бунинг маъноси эса шундан иборатки, ўзини оқлаган мавжуд ташкилий иш формалари ва методларини ривожлантириш билан бирга миллатларнинг равнақ топишига ва уларнинг ўзаро яқинлашишига ёрдам берадиган бошқа форма ва методларни ҳам доимо излаш керак. Турмушнинг ўзи юзага келтирган бу масалага Марказий Комитетнинг аъзолари ҳам, Олий Совет депутатлари ҳам эътибор бериб қарасалар арзийди, деб ўйлаймиз.

Советлар — аввало СССР Олий Совети ташқи сиёсий вазифаларимизни ҳал этиш соҳасидаги кундалик катта ишга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги халқаро вазият нақадар мураккаблигини сиз билан биз яхши биламиз. КПСС билан Совет давлати ядро урушининг олдини олиш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар. Биз жаҳон сиёсатидаги кескинликни камайтириш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, мамлакат хавфсизлигини пухта равишда таъминлаш учун изчиллик ва ташаббускорлик билан ишлаяпмиз. Социализмнинг халқаро позицияларини, озодлик ҳаракатлари билан бирдамликни мустаҳкамлаш кундалик вазифаларимиз жумласига киради.

Олий Совет палаталарининг ташқи ишлар доимий комиссиялари бизнинг ташқи дунё билан алоқаларимизни ривожлантириш учун кўп иш қилмоқдалар, муҳим халқаро учрашувларда, баъзан қийин музокараларда мамлакатимиз номидан иш кўрмоқдалар. Аммо бу масъулиятли фаолиятда ҳозирча депутатларнинг нисбатан тор давраси актив қатнашмоқда. Бошқалар учун депутатлик вазифаларини бажариш кўпинча асосан протокол характеридаги ишларда қатнашишдан иборат бўлиб қолмоқда. Буни тўғри, деб бўлмаса керак.

Ташқи ишлар комиссиялари халқаро профилдаги идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришлари ва контрол қилишга кўпроқ эътибор беришлари, ўз мажлисларида уларнинг вакиллари ҳисоботларини тез-тез тинглаб туришлари мумкин бўлур эди. Бошқача қилиб айтганда, шу комиссияларга кирувчи депутатларнинг иш доирасини кенгайтириш зарурати етилиб қолди.

Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш соҳасида Советлар қилаётган иш ҳақида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Ҳозирги вазият биздан мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда совет кишиларининг тинч меҳнатини пишиқ-пухта ҳимоя қилиш соҳасида доим ва ҳар томонлама куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Бу вазифани ҳал этишга ҳам Советлар ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Умуман ўртоқлар, коммунист депутатлар, партия комитетлари, бутун партия Советларнинг халқ, мамлакат турмуши ҳамма соҳаларига ғамхўрлик қилишларига интилишлари лозим.

Ҳозир **мактабни ислоҳ қилиш** совет кишиларининг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Бу — жуда катта умумий сиёсий аҳамиятга молик масаладир, шунинг учун ҳам биз бу масалани Марказий Комитет Пленумига қўйганмиз.

Совет жамияти улуғ мақсадларимиз сари дадил олға силжимоғи учун ҳар бир янги авлод маълумот ва умумий маданиятнинг, касб-кор малакаси ва граждан активлигининг янада юқори поғонасига кўтарилиши керак. Таъбир жоиз бўлса, социал тараққиётнинг қонуни мана шундай.

Фан-техника революцияси, ахборот қуюндек кўпайиб бораётган шароитда бу қонун ўқиётганларга ҳам, оддий педагогдан тортиб министргача бўлган ўқитаётганларга ҳам нисбатан мислсиз юксак талаблар қўяди. Ислоҳот мана шу талабларни бажариш учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиши лозим, маориф соҳасидаги, жумладан, унга раҳбарлик қилишдаги камчиликларни ҳам тугатиши керак, албатта.

Ҳозир, умумхалқ муҳокамасидан кейин Марказий Комитетнинг мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳаси миллионларнинг коллектив ақл-заковати ва ҳаётий тажрибаси билан бойиди. Уни асосан маъқуллаб, Олий Совет муҳокамасига қўйишни таклиф қилган ўртоқларнинг фикрига қўшиламан.

Энди ислоҳотнинг ғоялари қоғозда қолмай, тўла-тўкис рўёбга чиқиши ҳақида ўйлаш керак. Мактабни ислоҳ қилиш соҳасидаги жамики иш учун мустаҳкам моддий ва ташкилий база яратиш — ҳозирги бош вазифадир. Ўқув жараёнини қайта қуриш ва мактаб ўқувчиларининг меҳнатини йўлга қўйишдан, болалар уйлари ва интернатлар ишида тартиб ўрнатишдан тортиб, ўқитувчиларнинг турмуш шароитларини яхшилашгача кўп нарсалар ҳақида ғамхўрлик қилиш лозим.

Сизларга шуни маълум қила оламанки, 1 сентябрдан бошлаб ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақи босқичма-босқич ўрта ҳисобда 30—35 процент оширила бошлайди. Бундан олти миллион киши манфаат кўради. Уни рўёбга чиқариш учун йилига салкам уч ярим миллиард сўм сарф қилинади. Давлат бюджетидан шунча маблағни чиқариб олиш осон эмас. Аммо биз буни халқ пулини жуда тўғри. омилкорлик билан сарфлаш, деб ҳисоблаймиз.

Мактабни ислоҳ қилиш — бир галги тадбир эмас. Бу иш икки беш йилликка мўлжалланганлиги билангина вазифа тугамайди. Тирик одамлар ҳақида, айниқса, болалар ҳақида гап борганида ҳамма нарсани олдиндан белгилаб бўлмайди. Бизнинг бирон-бир режаларимиз ва

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

1984 йил 10 апрелда КПСС Марказий Комитети Пленумидаги нут

(Боши биринчи бетда).

планларимизга практика тузатишлар киритиши шубҳасиз, бундан чўчимаслик керак. Бизнинг стратегик йўлимизни — ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказишни назардан қочирмаслик муҳимдир.

Ислоҳот муносабати билан пайдо бўлаётган, аммо кўп жиҳатдан ислоҳот доирасидан чиқиб кетаётган проблемаларнинг характери ва миқёсларини ҳам аниқ-равшан тасаввур этиш лозим. Масалан, юқори синф ўқувчиларининг унумли меҳнатини ташкил қилиш учун экономиканинг ҳар хил тармоқларида замонавий машина-ускуналар билан таъминланган бир неча миллион иш жойини ажратиб бериш ёки вужудга келтириш планлаштирилмоқда. Масала айни шу тарзда қўйилмоқда, ўртоқлар. Госплан эса бу катта ишни мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача мўлжалланган асосий йўналишларига узвий равишда сингдириб юбориши лозим.

Биз мактаб билан ишлаб чиқаришни бир-бирига нақадар кўпроқ яқинлаштирсак, ислоҳотнинг самараси шу қадар салмоқли бўлади.

Бунинг тарбиявий, сиёсий самарасини олиб кўрайлик. Совет ёшлари юксак маданиятли, ўқимишли ва меҳнатсевар бўлиб, мустақил турмушга қадам қўйишлари керак. Бинобарин, фарзандларимиз ишчи ёки агроном, олим ёки инженер бўлиб етиш ишларидан қатъи назар улар меҳнат коллективларида синфий жиҳатдан чиниқишлари керак. Уларнинг ишлаб чиқариш билан танишуви бизга айни керак бўлган тарбиявий самарани беришига эришмоқ лозим.

Биз ислоҳотдан иқтисодий соҳада ҳам кадрлар соҳасида ҳам самара олинишини кутяпмиз. Юқори синф ўқувчилари учун вужудга келтирилган ҳар бир иш жойи жамиятга оз бўлса ҳам, аммо, албатта, нақд конкрет натижа келтириши керак. Ўрта маълумот ниҳоясига етказилганидан кейин эса мактабларни ва ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан, мустаҳкам билим ва зарур меҳнат кўникмалари билан қуролланган миллион-миллион йигит-қизлар халқ хўжалигига бориб ишлай бошлайди.

Шу билан бирга, мактаб ўқувчисини қўлидан келадиган унумли меҳнат билан тарбиялашга ҳозир биз бераётган катта аҳамият принципиал жиҳатдан нақадар муҳим бўлмасин, аммо у болаларнинг энг асосий меҳнати — албатта, ўқиш, илм-фан асосларини пухта эгаллашдир, деган ҳақиқатни инкор қилмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мактабда ҳамма умумий таълим фанларини, ўз-ўзидан равшанки, гуманитар фанларни ҳам ўқитишни яхшилаш талаби мана шундан келиб чиқади. Шундай қилмай туриб, ҳозир, айниқса, келгусида коммунистик қурилишнинг барча соҳаларини ўз ишини яхши биладиган, ҳам касб жиҳатидан, ҳам интеллектуал жиҳатдан доимо ўсишга қобилиятли кишилар билан пухта равишда таъминлаб бўлмайди.

Ҳозир бутун таълим жараёни анча кўп даражада дунёқараш мазмунини сингдирадиган бўлиши керак. Ўқув программаларининг тиғизлигини камайтирганда, янги, оқилона дарсликлар яратганда уларни ғоявий жиҳатдан енгиллаштириш, дарс беришнинг илмий даражасини пасайтириш ярамайди. Ўқувчиларни марксча-ленинча эътиқодли қилиб, мустақил, ижодий фикрлашга қобилиятли қилиб вояга етказиш, социалистик Ватаннинг тақдири учун ўз масъулиятини англашни ривожлантириш — мактабнинг вазифасидир. Бизга ёт қарашлар ва ахлоққа қарши қатъий курашиш руҳини сингдириш ҳам керак, албатта.

Мактабда коммунистик ахлоқ мавзулари ҳақида гапирибгина қолмасдан, болаларни ўз феъл-атворини шу ахлоққа мослаштиришга ўргатиш ҳам керак. Мактаб коллективларида ўзини-ўзи бошқариш негизларини активроқ ривожлантириш мана шунинг учун зарурдир. Бу ишда ўқитувчилар оқилона ёрдам беришлари кераклиги табиий. Мактаблардаги пионер дружиналари ва комсомол ташкилотлари ишида расмиятчилик ҳам, зерикарли тадбирлар ҳам бўлмаслиги керак.

Мактабнинг роли нақадар катта бўлмасин, аммо ўсувчи инсонни унинг ўзигина тарбияламайди. Характернинг асослари, илк ҳаётий йўл-йўриқларга оилада негиз яратилади. Мактаб бир нарсани ўргатса-ю, оила бошқа нарсани ўргатса, бундан яхшилик чиқмайди. Партия ва комсомол ташкилотлари, меҳнат коллективлари бундай ҳодисаларга бепарво қарашга ҳақли эмаслар.

Ислоҳот бутун халқ маорифи системасини таркибий равишда ривожлантириш учун шарт-шароит яратади. Олий мактаб ҳам шу жумлага киради, албатта. Олий мактаб иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётимизнинг суръатларига, қолаверса, мамлакатнинг мудофаа қобилиятига ҳам катта таъсир қилади. Энг муҳим ишимиз — социалистик хўжалик юритиш системасини фан-техника революциясининг энг янги ютуқлари билан узвий равишда бирлаштириш учун инсоний шарт-шароит айни олий мактабда вужудга келтирилади.

Партия XXVI съездида, Марказий Комитетнинг июнь Пленумида СССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлигининг ишидаги анчагина камчиликлар қайд этилган эди.

Бироқ, олий мактаб олдига қўйилган вазифалар кўнгилдагидек бажарилгани йўқ. Чамаси, инерция кучи, эскилик одатлари халақит бермоқда. Бу соҳада объектив қийинчиликлар ҳам бор. Буларнинг ҳаммасини обдон ўрганиб, ишларнинг аҳволини тузатиб олиш керак.

Умуман, ўртоқлар, XXVI съезд қарорлари ҳамма соҳаларда қандай бажарилаётганини синчиклаб кўриб чиқиш керак. Тез орада партиямизнинг навбатдаги съезди ўтказилади, унга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш лозим.

Биз, коммунистлар учун съездга тайёргарлик кўриш — эришилган натижаларни идрок қилиш, якунлаш даври, эришилган ҳамма ижобий натижаларни актив мустаҳкамлаш давридир. Бу — йўл қўйилган хатолардан сабоқ чиқариш, камчиликларни ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш йўлларини ва энг муҳими, янги катта вазифаларни ҳал этиш йўлларини аниқлаш даври ҳамдир.

Бу вазифаларнинг бажарилиши кадрларга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Кадрлар — дарҳақиқат партия билан давлатнинг олтин фондидир. Бу фондни доимо тўлдириб туриш лозим, унга янги-янги кучлар қўшилиб туриши керак. Дарвоқе, айрим раҳбар коммунистлар ўзларига билдирилган ишончни оқламаётганликларини партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси кўрсатди. Ҳамма соҳадан кўра ҳам кадрлар билан ишлашда пухта ўйлаб тузилган аниқ система бўлиши муҳимдир. Бу соҳада кадрларни тез-тез алмаштиришга ҳам, кадрлар составининг бирон-бир даражада қотиб қолишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Чамаси, барча партия комитетларимизда юқори лавозимларга кўтариш учун резервлар бор. Модомики, ўртоқлар, масъулиятли лавозимга қобилиятли кишини топиш керак бўлганида, баъзан шундай қилиш жуда қийин бўлишининг сабаби нимада? Демак, кўпинча резерв қоғоздагина бор. Бу жуда муҳим ишга тўла равшанлик киритилиши керак. Худди шу мақсадда биз сиёсий бюрода ҳозирги кадрлар сиёсатининг етилган масалаларини батафсил кўриб чиқмоқчимиз.

Ўртоқлар, биз қилинган ишларни якунлар эканмиз, барча йирик социал-иқтисодий программаларимиз, масалан, Озиқ-овқат, Энергетика программаларимиз қандай амалга оширилаётганини доимо, чуқур анализ қилиб боришимиз керак.

Ҳозир янги, ўн иккинчи беш йилликни ишлаб чиқишга алоҳида диққат-эътибор берилиши лозим. Яқин ўн йилликларда мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемалари ва истиқболларини белгилаб олиш ҳам зарур. Чунки биз XXVII съезд муҳокамасига янги таҳрирдаги партия Программасини қўймоқчимиз. Шу боисдан ҳам Программа учун салмоқли умумий назарий пойдеворгина яратиб қолмай, уни яхши асосланган иқтисодий планлар ва прогнозлар билан ҳам узвий равишда боғлаш керак. Бу эса ривожланган социализмни такомиллаштириш ва коммунизм сари босқичма-босқич олға боришнинг объектив, реалистик манзарасини ҳосил қилиш имконини беради.

Хуллас, биз XXVII съездга ҳозирлик кўрар эканмиз, таг-заминли, ғоявий ишлар
қилишимиз керак
Ленининнинг «
кенгроқ ёки узоқ
лайдиган қараш
зирги вақтда бизга
зарур» деган сўз
йўлчи юлдуз бўлиб
қилиши мумкин.

Ҳа, биз партия
лектив фикрини
лаштиришимиз
соҳада умумий
фикрнигина эмас,
фикрни ҳам назар
ман. Янги тажриба
йитилган назария
сизм-ленинизм
асосида ижодий
линган тажриба —
партиямиз кучи
ҳим манбаи бўлиб
Ҳозир ҳам шундай
рибди.

Ўртоқлар, бугун
нумда ҳар бир
ҳар бир совет киши
қинлантираётган
муҳокама қилинди
ри қарорлар қабул
миз. Шу қарорлар
дири учун Пленум
ча қатнашчилари
катта масъулият
Энди бу қарорлар
ликда, бутун
аҳил куч-ғайрат
бутун халқ билан
билан амалга ошир

**(Нутқ зўр эътибор
тингланди ва давом
саклар билан бир
бўлиниб турди).**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Марказий Комитет Пленумидаги нутқидаги халқ депутатлари Советларининг ишини янада яхшилаш, Коммунистик партиянинг социал-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда Советларнинг ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари, умумхалқ давлатчилигини ва социалистик демократияни такомиллаштириш тўғрисидаги қоидалар ва хулосалар тўла-тўкис маъқуллансин.

2. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларига амал қилиб совет органларига партиявий раҳбарлик савиясини ошириш учун зарур чораларни кўрсинлар, халқ депутатлари ҳар бир Совети ўз фаолиятининг мазмуни ва услубини сабот билан такомиллаштиришига, ўз имкониятларини ҳамда СССР Конституциясида белгилаб қўйилган ваколатларини самарали рўёбга чиқаришига эришсинлар.

Советларнинг хўжалик қурилишидаги, давлат планларини бажаришдаги, социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги, иқтисодий ва социал ривожланишнинг комплекслигини, бошқарувда территориал ва тармоқ негизлари бирга қўшиб олиб борилишини таъминлашдаги роли изчиллик билан оширилсин. Меҳнаткашлар эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш, уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилиши планларининг бажарилиши, хизмат соҳасининг, совет кишилари ҳаёти ва турмушининг барча соҳалари ҳар томонлама яхшиланиши учун Советларнинг масъулияти кучайтирилсин.

Советларнинг аҳоли ўртасидаги сиёсий-тарбиявий, маданий-оммавий иши такомиллаштирилсин, бу иш совет кишиларининг маълумот даражасини, меҳнат ғайрати ва ижтимоий активлигини оширишга қаратилсин, меҳнаткашлар мамлакатдаги барча миллат ва элатларни ўзаро ҳурмат қилиш ва уларнинг дўстлиги руҳида, совет Ватанига муҳаббат, социализмнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёрлик руҳида тарбиялансин.

Халқ депутатлари Советларининг бошқарув органлари иши устидан контроллигининг таъсирчанлиги оширилсин. Советлар барча поғоналардаги мансабдор шахслар ва хўжалик раҳбарларининг фаолиятини талабчанлик билан холисона баҳолашларига, сайловчиларнинг наказларини рўёбга чиқаришга, маъмурий аппаратни такомиллаштириш ва қисқартиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Совет ҳокимиятининг қонунлари обрўсини оширишга кўпроқ эътибор беришларига эришилсин.

Советларнинг сессияларини, ижроия комитетлар ва доимий комиссияларнинг мажлисларини тайёрлаш ҳамда ўтказиш практикаси яхшиланиши, мавжуд резервларни очиш, камчиликларни танқид қилиш, ҳар томонлама асосланган қарорлар ишлаб чиқарилиши учун улардан
тўлиқроқ фойдаланиш зарур. Депутатларнинг
роқлари янада кенг қўлланилсин. Расмиятчилик
рига қатъият билан барҳам берилсин. Советлар
билан алоқаси ҳар томонлама мустаҳкамлансин.

3. Партия Комитетлари совет кадрларини
жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини яхши
партия ва совет органларининг вазифалари
лаб қўйилишини таъминласинлар. Советларнинг
лигига сайланган коммунистларга нисбатан та
оширилсин. Коммунистлар депутатлик вазифа
жаришда, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёж
тибор билан қарашда намуна кўрсатишлари, ҳа
қўйган барча кишиларни ўз атрофларига жипсла
лари, уларнинг ижодий ташаббусини рағбатлант
ва йўлга солиб туришлари керак. Советлар
нинг ижроия органларидаги партия группалари
ташкилотларининг активлиги сабот билан
рилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Олий
ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари фаолияти
ча соҳаларини ривожлантириш, уларнинг қонун
бошқариш ва контрол қилиш бирлигидан иборат
принципни муттасил амалга ошириши, миллион
меҳнаткашларни давлат ишларини манфаатдор
идора қилишга кенг жалб этиш — энг муҳим
тиявий вазифа, деб ҳисоблайди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

КПСС Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ М. В. Зимянининнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, ривожланган социалистик жамиятни планли равишда ҳар томонлама такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг катта сиёсий, социал-иқтисодий ва идеологик аҳамиятини қайд этади.

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида ҳозирги шароитда ёшларга таълим ва тарбия беришнинг, уларни турмушга ва меҳнатга тайёрлашнинг илмий асосланган концепцияси ишлаб чиқилган. Унда Лениннинг ягона, меҳнат, политехника мактаби тўғрисидаги ғоялари янада ривожлантирилган, партиянинг КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва 1984 йил февраль Пленумлари йўл-йўриқларига мувофиқ халқ маорифи соҳасидаги стратегик йўли белгиланган.

Ислоҳот умумий таълим ва ҳунар мактабининг ишини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариши, унинг фаолиятидаги камчиликларни тугатиши, ўқувчиларнинг фан асосларини чуқур ўрганишини, уларда мустаҳкам коммунистик эътиқодлар, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик таркиб топтирилишини, уларни социалистик кўпмиллатли Ватанимизга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёрлик руҳида, пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни таъминлаши лозим. Ислоҳотнинг амалга оширилиши мактаб ўқувчиларини таълим билан ишлаб чиқариш меҳнатини бирга қўшиш асосида меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни ва касб танлашга ўргатишни, ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчи кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш, ёшларга умумий ўрта таълим беришни умумий ҳунар таълими билан тўлдириш имконини беради

Марказий Комитетнинг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси чоғида якдиллик билан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Уни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишларда 120 миллион киши қатнашди, 7 миллион киши сўзга чиқди. Матбуотда мактабни ислоҳ қилишга оид жуда кўп материаллар эълон қилинди. Шу масала юзасидан партия ва совет органларига меҳнаткашлардан минглаб хат тушди. Лойиҳанинг муҳокамаси социалистик тузумнинг чинакам демократизмини, партия билан халқнинг бузилмас бирлигини янги куч билан намойиш этди.

КПСС Марказий Комитети умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини муҳокама қилишда актив қатнашган, КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини қўллаб-қувватлаган, ўзларининг конкрет таклифлари ва мулоҳазаларини киритган ишчилар ва колхозчиларга, мутахассислар ва олимларга, педагоглар ва ўқувчиларга — барча совет кишиларига чуқур миннатдорчилик изҳор этади.

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

1. Умумхалқ муҳокамаси чоғида тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» асосан маъқуллансин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқида халқ маорифини ривожлантириш масалалари юзасидан баён этилган программ қоида ва хулосалар тўла-тўкис қўллаб-қувватлансин ҳамда бу қоида ва хулосалар партия, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фаолиятига асос қилиб олинсин. Бу ишда халқнинг маълумоти ва маданиятини ошириш мамлакатнинг ғоявий-сиёсий, иқтисодий ва мудофаа потенциалини ҳар томонлама мустаҳкамлашнинг, социалистик демократияни ривожлантиришнинг, совет жамиятини коммунизм йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишнинг энг муҳим шарти эканлигига асосланилсин.

2. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси муҳокамасига қўйилсин.

3. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»ни рўёбга чиқариш соҳасидаги ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишни кенг авж олдирсинлар.

Мактабни ислоҳ қилишнинг асосий тадбирлари миллий хусусиятлар ва маҳаллий шароитлар эътиборга олиниб, босқичма-босқич, ўн биринчи, ўн иккинчи беш йилликлар (1984-1990 йиллар) мобайнида амалга оширилсин. Ҳар бир республика, ўлка, область, шаҳар ва районда ислоҳотни рўёбга чиқаришга оид конкрет планлар ишлаб чиқилсин ҳамда тегишли район партия комитетларининг пленумларида ва халқ депутатлари Советларининг сессияларида тасдиқлансин. Шу йилнинг ўзида таълим-тарбия жараёнини, мактаб ўқувчиларига меҳнат таълими беришни ва касб танлашга ўргатишни такомиллаштириш соҳасида реал қадамлар қўйиш зарур. Болаларни олти ёшидан ўқитишга яхши тайёргарлик кўрилсин ва бу ишга 1986 йилдан бошлаб аста-секин уюшқоқлик билан ўтилсин.

Партия комитетлари барча совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг, мактабларнинг ва меҳнат коллективларининг ислоҳотни амалга ошириш соҳасида баҳамжиҳат ҳаракат қилишларини таъминласинлар, ўқув юртларининг партия ташкилотларига раҳбарлик савиясини оширсинлар, таълимни ривожлантиришнинг етилган масалаларини малакали ҳал этсинлар. Ёш авлодни жамоат йўли билан ва оилада тарбиялаш масалаларига кўпроқ эътибор берилсин.

Марказий Комитет Пленуми шуни таъкидлайдики, мактаб ва халқ ўқитувчиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия ва давлатнинг энг муҳим вазифасидир. КПСС Марказий Комитети ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақини анчагина ошириш зарур деб ҳисоблайди.

4. СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»ни рўёбга чиқаришга доир комплекс тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар. Ишга тор маҳкамачилик назари билан ёндашиш, халқ маорифига раҳбарликдаги расмиятчилик ва бюрократизм кўринишлари қатъиян тугатилсин, иш услуби такомиллаштирилсин. Мактаб фаолиятининг барча ҳаётий масалаларини ҳал этишда кўпроқ ташаббускорлик, қатъият ва ишчанлик кўрсатилсин. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари директорлари билан ишлашга алоҳида эътибор берилсин. Педагог кадрларни тайёрлаш даражаси оширилсин, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш системаси такомиллаштирилсин.

Умумий таълим ва ҳунар мактабига раҳбарликни яхшилаш, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказиш мақсадида СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари ҳузурида халқ маорифи масалалари билан шуғулланувчи идоралараро комиссиялар тузилсин. СССР Министрлар Совети уч ой ичида комиссиялар тўғрисида Низом ишлаб чиқсин.

5. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари халқ маорифига раҳбарлик савиясини оширсинлар. Маорифнинг моддий базаси мустаҳкамлансин, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларини қуриш, мактаб бинолари ва иншоотларини ремонт қилиш планларининг ўз вақтида бажарилиши таъминлансин, мактабларни зарур ашёлар билан, кўргазмали ўқув қўлланмалари билан таъминлаш яхшилансин. Педагог кадрлар, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилинсин.

Ўқувчиларга меҳнат таълими, тарбияси беришни, уларни касб танлашга ўргатишни яхшироқ йўлга қўйиш мақсадида ҳар бир мактаб ва ҳунар-техника билим юрти базавий корхона, ташкилот, муассасага бириктириб қўйилсин.

6. СССР ва иттифоқдош республикаларнинг министрликлари ҳамда идоралари ўзларига қарашли корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда ўқувчиларга меҳнат таълими бериш учун зарур шароитни яратсинлар. Шу мақсад учун асбоб-ускуналар, иш жойи, малакали кадрлар, хом ашё ва материаллар ажратилсин. Ўқувчиларнинг меҳнати пухта ташкил этилиши таъминлансин. Базавий корхоналарнинг раҳбарлари мактаб ўқувчиларига меҳнат таълими берилиши, уларнинг меҳнатига хавф-хатарсиз шароитлар яратилиши учун ўқув юртларининг директорлари билан бир қаторда шахсан масъулдирлар.

7. ВЛКСМ Марказий Комитети, жойлардаги
органлари умумий таълим мактабларидаги, ҳунар
ка билим юртлари ва техникумлардаги комсомол
лотларининг фаолиятини тубдан яхшилаш чора
кўрсинлар. Ташкилий ва тарбиявий ишнинг оғирлик
кази бевосита мактабга ва синфга кўчирилсин.
тарбия ишида ўқитувчиларга ёрдам берилсин, ма
нинг комсомол ташкилотлари иши ҳаваскорлик
рида қурилсин. Бутун куч-ғайрат коммунизм учун
қодли курашчиларни, ватанпарвар ва интернационал
ларни тарбиялашга, ўқувчиларга юксак граждан
ахлоқий фазилатларни, коллективизм, меҳнатсевар
туйғуларини, ўқишга масъулият билан қараш,
тарзимизга ёт қарашлар ва дидларга нисбатан
сизлик хислатларини сингдиришга қаратилиши
Ўқувчи ёшлар комсомолга киришга яхшироқ
нилсин.

Комсомол комитетлари октябрятларга, комсомол
килотларига кўпроқ эътибор берсинлар, мактабдан
қари муассасаларда ҳамда болалар ва ўсмирлар
диган жойларда тарбиявий ишни ташкил қилишда
роқ қатнашсинлар, ўқувчиларнинг фойдали янги
рини ва ташаббусларини қўллаб-қувватласинлар.
тувчилар ва пионервожатийлар билан ишлаш
лаштирилсин.

8. ВЦСПС, касаба союзларининг Марказий К
лари, маҳаллий касаба союз органлари ўқув юр
нинг касаба союз ташкилотлари ишини ҳар томон
яхшиласинлар, педагоглар коллективларининг
ташаббуси ва активлигини ривожлантиришда у
ролини оширсинлар, илғор тажрибани оммалаштир
кўмаклашсинлар. Педагогларнинг меҳнат ва дам
шароитларини, уларга маданий хизматни, уларнинг
торийда даволанишини яхшилаш ҳақида ғамхўр
синлар. Пионер лагерларининг, меҳнат ва дам о
герларининг, мактаб ўқувчилари меҳнат бирлашма
нинг фаолияти такомиллаштирилсин. Болалар б
лаш учун мавжуд моддий базадан — маданият
ри, клублар, кутубхоналар, спорт иншоотларидан
ли фойдаланилсин.

9. Марказий, республика, маҳаллий газета ва ж
лар, телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари
лоҳотнинг юксак мақсадлари ва инсонпарварлик
тини меҳнаткашларга батафсил тушунтирсинлар.
жамиятимизни ҳар томонлама тараққий эттириш
бўлган аҳамиятини кўрсатиб берсинлар. Партия
вет органларининг умумий таълим ва ҳунар мак
ислоҳ қилишни рўёбга чиқариш соҳасидаги иш
зам ёритиб борилсин, ўқув юртлари партия таш
ри ва коллективларининг энг яхши иш тажрибаси
ўқитувчиларининг фидокорона меҳнати пропаганда
линсин.

Ўқувчи ёшларни коммунистик руҳда тарб
мактабга ижодий союзлар, ёзувчилар, рассомлар,
позиторлар, театр ва кино арбоблари, маданият м
саларининг ходимлари катта ёрдам беришлари ке

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми умумий
лим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг амалга
рилиши бутун партия ва халқнинг жонажон иши
қолади, ёш авлодга таълим бериш ва коммунистик
да тарбиялашни янада яхшилашга, жамиятимиз
тисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш
маклашади, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИДА

10 апрелда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда унинг раиси Г. Ф. Сизов нутқ сўзлаб, Марказий ревизия комиссиясининг ишини активлаштиришни янада кучайтириш масалаларини баён қилиб берди.

У айтдики, интизомни изчиллик билан мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини ошириш, тежамкорлик режимини кучайтириш, бошқарув аппаратида бюрократизм ва расмиятчиликка қарши қатъий кураш олиб бориш юзасидан партиямиз ва унинг Марказий Комитети қабул қилган йўлга мувофиқ Марказий ревизия комиссияси ва маҳаллий партия ташкилотлари ревизия комиссиялари зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилишини контрол қилишни кучайтириш борасида уларнинг иш савияси ва активлиги анча оширилиши лозим.

КПСС Марказий ревизия комиссияси ишида демократик асосларни кучайтириш ва унинг маҳаллий партия ташкилотлари ревизия комиссиялари билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида мажлисда Г. Ф. Сизов (раис), М. И. Халдеев (раис ўринбосари), В. Ф. Коннов, А. И. Лукьянов ва А. В. Федуловадан иборат составда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг бюроси сайланди.

Ю. В. АНДРОПОВ ХОТИРАСИГА

9 апрель куни Москвада тантанали очилган эсдалик ёдгорлигига «Юрий Владимирович Андропов номидаги проспект» деб ёзилган. Пойтахтнинг Пролетар ва Красногвардейский районларидан ўтувчи шу магистрал КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Ю. В. Андропов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби шарафига шундай деб аталди.

Қизил гранитдан ишланган ёдгорлик собиқ Пролетар проспектининг бошланишидаги гулзор марказига ўрнатилди. Яқинда шу проспект Юрий Владимирович
пов номи билан ата
бўлди.

Эсдалик ёдгорлиги
ши муносабати би
тахт меҳнаткашлари
ларининг митинги бў
ди.

Митинг қатнашчилари
горлик пойига гуллар
лар.

(ТА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

10 апрель куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни зўр мамнуният билан қабул қилдилар.

Президиум мажлисида ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқди.

Мамлакат давлат ҳокимияти олий органи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифлар муҳокама қилиниб маъқулланди.

Мажлисда давлат турмушининг баъзи бошқа масалалари кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ТАСС).

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ АМАЛДА

СУВНИНГ ТОЗА БЎЛИШИ— ҲАММАНИНГ ИШИ

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар сув хўжалиги органлари раҳбарларининг 10 апрель куни Тошкентда очилган кенгаши мувақкат иш группасининг тўртинчи мажлисида оқава сувларни тозалаш ва қўшимча тозалаш, шу жумладан қор ва ёмғир сувларини тозалаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш проблемаси муҳокама этилмоқда. Мажлисда Болгария, Венгрия, Германия Демократик Ре
каси, Польша, Совет И
қи ва Чехословакия
жалиги органлари
сисларининг делега
иштирок этмоқда.

Иш группасининг м
тўрт кун давом этади.

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

● Фанимиз уфқлари

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Медицина саноати олдига ўн биринчи беш йилликда қўйилган вазифалар катта ва кўп қирралидир. Улар ишлаб чиқаришнинг химиявий технологиясини янада такомиллаштириш, шу асосда муҳим дориворлар ва витаминлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни кўзда тутади. Бу йўналишдаги ишлар ғоят муҳим, наинки у совет халқининг зарур, самарали дориворларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражасини анча юксалтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш имконини беради. Бу илмий-техник ва социал тадбирларни амалга оширишда юксак самарали гетероген (таркибий ёки келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил бўлган) катализаторлардан ҳамда доривор воситалар ва витаминлар олиш учун асосий хом ашё бўлган органик синтезнинг муҳим маҳсулотларини саноатда ишлаб чиқариш учун улар қўлланилган жараёнлардан фойдаланиш муҳим омил саналади. Бу муҳим вазифани ҳал этишда зарур технологик аппаратураларни яратиш, жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш катта аҳамиятга эгадир. Бу йўналишларда тараққиётга эришиш мақсадида 1981 йилда медицина саноати министрлиги таркибида Бутуниттифоқ медицина саноати химия-технология илмий-тадқиқот институти (ВНИХТИМП) ташкил этилди. Бу илмий муассаса соҳанинг муҳим илмий-техник вазифаларини ҳал этади. У Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий-тадқиқот институти (СредазНИИП) базасида ташкил этилди. Бу институт нефть химияси жараёнлари учун самарали гетероген катализаторлар ишлаб чиқиш билан шуғулланарди. Шуни айтиш керакки, бу ерда ишлаб чиқилган оксидли катализаторлар ишлаб чиқаришда кенг жорий этилди ва авторлик гувоҳномалари билан ҳимоя қилинди, шунингдек чет эл мамлакатларидан патент олди. Жумладан, таркибида кумуш бўлган оксидли катализатор СССР химия саноати министрлиги ва нефть химияси саноати министрлигининг кўпгина корхоналарида жорий этилди ва самарали формалин ишлаб чиқаришни таъминлаяпти (бу медицина учун ғоят қимматли бўлган маҳсулотдир).

Бизнинг коллективимиз ҳам шу йўналишда тадқиқот ишлари олиб боради. Лекин биз химия-фармацевтика саноатига хизмат қиламиз ва ўз изланишларимизни замонавий юксак самарали технологик жараёнларни яратишга қаратамиз. Бу иш фақат ҳозиргина зарур бўлиб қолмай, балки соҳани социал-иқтисодий ривожлантириш жиҳатидан ҳам фойдалидир. Чунки у химия-фармацевтика заводларида кам чиқитли ва чиқитсиз технологияни яратиш ва жорий этишга, уларда меҳнат шароитини яхшилашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Бизда B_1, B_2, B_6 каби витаминлар, аскорбин кислота, гомоатропин, сорбит, папаверин, левомицетин каби дориворларни ишлаб чиқаришнинг айрим босқичлари ўзлаштирилди. Таркибий ёки келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил бўлган бир неча жараёнларнинг лаборатория шароитидаги модель технологияси амалга оширилди. У ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган технологиядан тубдан фарқ қилади: витамин ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган катализаторлардан анча афзал бўлган бир қатор катализаторлар, шунингдек жараённи бир неча баравар тез амалга ошириш, пировард маҳсулотнинг нисбатан кўп чиқишини таъминлайдиган катализаторлар яратилди ва синалди. Институтнинг лаборатория жараёнида саноат ишлаб чиқаришига ўтказишни кўзда тутадиган тажриба заводида установкаларни лойиҳалаш ва монтаж қилиш учун техник вазифаларни тузиш бўйича ҳам ишлар амалга ошириляпти. Тугалланган ишлар орасида ўнинчи беш йилликда ва ўн биринчи беш йилликнинг қолган йилларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни ва хом ашё ресурслари билан таъминланганликни ҳисобга олган ҳолда, янги дориворларга бўлган эҳтиёжни қондиришни таҳлил этиш, кам чиқитли ва чиқитсиз технологияга медицина саноатининг ишлаётган ва реконструкция қилинаётган ишлаб чиқаришларини ўтказишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича соҳа методик кўрсатмаларини ишлаб чиқишни айтиш мумкин. Назарий тадқиқотлардан «Химия-фармацевтика ишлаб чиқаришида юзаки металл катализаторлар беришнинг структураси ва хоссаларини ўрганиш» муҳим аҳамиятга эгадир.

Институтимизнинг илмий режаларида регион вазифаларини ҳал этишга муҳим эътибор бериляпти. Шу мақсадда институт республикадаги бир қатор корхоналар ва ташкилотлар билан шартнома тузди. Булар орасида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлигининг ипакчилик Бош бошқармаси билан тузилган шартнома ҳам бор. Бунда ипак қурти боқишда кенг қўлланиладиган «Барака» доривори ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Бу ишдан кўриладиган йиллик иқтисодий самара 3 миллион сўмни ташкил этади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва физика институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти билан ҳамкорликда яратилган ғўза ўсишини тезлаштирадиган стимулятор (А—1 доривори) яратилди. Ундан ҳозир кенг фойдаланилмоқда. Институтимиз Тошкентдаги ва Москвадаги, Киевдаги ва Олмаотадаги, Новосибирскдаги ва Ригадаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан илмий алоқалар ўрнатди. Бу алоқаларнинг мустаҳкамланиши олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради, ташаббускорлик ва ижодий изланишни ривожлантиради.

К. РОЗИҚОВ,
Бутуниттифоқ медицина саноати химия-технология илмий-тадқиқот институти директори, химия фанлари доктори, профессор.

* * *

СУРАТЛАРДА: кичик илмий ходим В. Санамянц ва катта лаборант А. Ҳамроевлар лаборатория иши устида; пастда лаборантка Шоҳиста Турсуновани кўриб турибсиз.

Т. Каримов фотолари.

Газетхон илтимоси

ЎТДАГИ ТОШ ХАВФЛИМИ?

Ҳурматли редакция! Ўт тоши хасталигига чалиндим. Бу касаллик қандай пайдо бўлади, унинг олдини олиш ва даволаниш учун нималарга эътибор бериш керак! Шу ҳақда мақола беришингизни илтимос қиламан.

Зумрад АБДУҚОДИРОВА,
Тошкент трактор заводи ишчиси.

Редакциямизга М. Зуфаров, Т. Каримова, О. Кўчқоров, Ш. Нурматов ва бошқа оқшомхонлар хат йўллашиб, ўт тоши хасталиги ҳақида маълумот беришимизни сўрашган. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент Давлат медицина институти хирургик касалликлар кафедрасининг ассистенти, медицина фанлари кандидати Кенжабек **ДОЛИМОВ**га бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Кенжабек Субутоевич, ўт нима, унда тош қандай пайдо бўлади?

— Ўт жигар ҳужайралари томонидан ишлаб чиқарилади, бу эса унинг асосий функцияси ҳисобланади. Соғлом одамнинг жигари бир кеча-кундузда 700—1500 миллиграмм миқдорда ўт ҳосил қилади. Ўт суюқлиги тўқмош рангда бўлиб, унинг таркибида бир қанча моддалар бор. Унинг таъсирида ичакда ёғнинг парчаланиш ва сўрилиш ҳолати яхшиланади, шунингдек А, Д, К, Е витаминларининг сўрилиши, ошқозон ости бези ферментларининг активлиги кучаяди.

Очиқ гап, кейинги 15—20 йил давомида ўт халтаси ва ўт йўлларида тош пайдо бўлиши хасталиги сезиларли даражада кўпроқ кузатиляпти. Ўтда тош пайдо бўлишига ўта даражада кўп тартибсиз ва бесўнақай овқатланиш сабаб бўлади. Яна бир сабаби организмда модда алмашинувининг бузилишидир. Ўтнинг димланиб қолишида, қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир касалликларида, ўт халтаси ва ўт йўлларининг асабий бошқарилишида тош пайдо бўлади. Бу ҳолда ўт пуфагидаги холестирин моддасининг қуйқаси кўпаяди ва у кристалик лахталар кўринишида эритмадан чўкиб тушади.

— Бу хасталикнинг аломатлари нималарда сезилади?

— Одатда ёғлиқ ва керагидан ортиқ овқат ейилгандан кейин қовурғалар тагида қаттиқ оғриқ хуружи бошланади. Бунга баъзан асабийлашиш ҳам сабаб бўлади. Оғриқ кўпинча кўкрак қафасининг ўнг бўлимига, ўнг кўкракка, елкага, ўнг қўлга ва бўйинга тарқалиб, бир неча соатдан бир неча кунгача давом этиши мумкин. Касалликда тана ҳарорати кўтарилиб, эт увишади. Бунга кўнгил айнаб, қайт қилиш қўшилади. Унг қобирға ости пайпаслаб кўрилса, оғриқ кучлилигидан бемор нафас олишни тўхтатиб, энтикиб қолади. Бу вақтда ўт пуфагининг катталашиб кетганини қўл билан пайпаслаб сезиш мумкин. Пешобнинг ранги тўқлашиб кетган бўлади.

— Ўт тоши хасталигининг олдини олиш ва даволаш учун нималарга эътибор бериш керак?

— Республикамиз клиник касалхоналарининг хирургик бўлимларида бу хасталикнинг диагностикаси ва давоси йўлида самарали ишлар олиб борилаяпти. Шифохонада бемор ўткир оғриқ хуружи пайтида дори-дармонлар билан даволанади. Оғриқ бутунлай тугаб, яллиғланиш аломатлари йўқолгандан сўнг операция қилинади. Касал ҳеч қандай асоратсиз тузалиб кетади. Лекин, афсус билан айтиш керакки, баъзи беморлар дардни тузалиш пайтидан ўтказиб, врачга жуда кеч мурожаат қилишади. Бу пайтда тош асосий ўт йўлига ўтиб кетган ёки ўтмай қолган оғир вазият пайдо бўлади. Натижада беморни хирургик йўл билан даволаш қийинлашади, уни тўғри ва юқори савияда даволанса бемор шифо топиб кетади.

Хасталикка чалинмаслик учун оз-оздан, вақтида овқатланиш, қабзиятга йўл қўймаслик, асабийлашиш ҳолатларидан ўзини асраш, энг муҳими касалликнинг дастлабки аломатлари сезилиши билан врачга учрашиш ва даволаниш чорасини кўриш керак.

Суҳбатни
Т. РАСУЛЕВ
ёзиб олди.

● Биласизми?

ВАЗЕЛИН ТАРИХИ

Фақат медицина эмас, бошқа соҳаларда ҳам сўзларнинг келиб чиқиши ғаройиб воқеалар билан боғлиқ. Масалан, «вазелин» сўзини олайлик. У қайси сўздан келиб чиққанини биласизми! «Ваза» сўзидан.

1859 йили Пенсильванияда (АҚШ) нефть топилиб, ҳамма ўзини ўша ёққа урди. Шу пайтлари корхоналардан бирининг эгаси Боб Чизборо тез-тез қувурга ёпишиб, бурғулашга халақит бераётган мўмсимон моддага эътибор бериб қолди.

Ишчилар бу «балчиқ»дан хуноб бўлишар, аммо тирналган ва кесилган жойларни даволаш учун ундан «жон-жон» деб фойдаланишарди. Сабаби—мўмсимон моддани суриш натижасида оғриқ енгиллашиб, яра газак олмай тез тузалар эди. Чизборо «балчиқ»ни тозалаб банкаларга тўлдириб, сотувга чиқарди. Янги мойни одамлар талашиб-тортишиб ола бошладилар. Шунда корхона эгаси савдони қизитиш учун ўзига хос поток «линия»сини йўлга қўйди. Чизборо ҳамма идишлар тугаб қолганида ҳеч ўйлаб ўтирмай хотинининг гул соладиган вазаларига ҳам мой тўлдирди. Шу тариқа «ваза» ва «линия» сўзларидан «Вазелин» сўзи келиб чиқди.

Ш. ҚОДИРОВ,
доришунос.

Сиҳат-саломатликни муҳофаза қилишда касалликнинг олдини олиш, бемор дардини аниқлаш ва даволаш муҳим аҳамиятга эга. 17-шаҳар клиник касалхонасида шифокорлар бунга алоҳида эътибор беришади.

СУРАТДА: неврология бўлими мудири Т. Абдуазимова, ординатор М. Содиқхўжаева, медицина ҳамширалари З. Дадажонова, М. Ғуломжонова ва врач Н. Бекмирзаевалар беморнинг касаллик варақасини ўрганишмоқда.

Р. Загратдинов фотоси.

Музика эшитиш қобилияти

Электрон аппарат ёрдамида швейцариялик медиклар Лозанна симфоник оркестрининг тўқсон етти музикачисининг эшитиш қобилиятини текшириб кўрдилар. Маълум бўлишича, чекмайдиган хонандаларнинг эшитиш қобилияти кашандаларникига нисбатан анча яхши экан. Бундан шундай мантиқий хулоса келиб чиқади: эндиликда оркестрга фақат чекмайдиганларни қабул қилиш зарур.

Сўрғич-термометр

Тиббий муолажалар ичида ҳароратни ўлчаш энг беозорлик билан амалга оширилади. Бу вазифа гўдак, эмизукли беморларда амалга оширилса мушкуллик юзага келади. Улар ҳароратини ўлчаш осон иш эмас. Америкалик ихтирочилар бунинг учун сўрғич-термометрни тавсия этдилар. У табиий холестириндан ясалган, ҳалқаси иссиқликка сезгир глицерин билан тўлдирилган. У одатда яшил рангда бўлади. Сўрғични сўраётган гўдакнинг ҳарорати 37,7 градусдан ортиқ бўлса ҳалқа қора рангга айланади.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

● ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ЧАПАҚАЙЛАР УЧУН

Халқаро статистика маълумотларига мувофиқ, инсониятнинг ўттиз фоизини чапақайлар ташкил этади. Буни ҳисобга олган уддабурон савдогарлар янада кўпроқ маҳсулотларни «Фақат чапақайлар учун!» деган ёзув билан тавсия этишмоқда. Англия фирмаларидан бири ҳаттоки чап қўлда ёзувчилар учун чек китобчасини босиб чиқарди.

ЧЕКИШНИ ҚАНДАЙ ТАШЛАШ МУМКИН?

Японияда кейинги пайтда игна санчиш ёрдамида чекишга қарши курашиш усули тобора кенг қўлланилмоқда. Японияда чиқадиган «Майнити дейли ньюс» газетаси бу ҳақда шундай ёзади: «Бошнинг ўнг қисмидаги муайян нуқталарга кичкина игналарни бир неча бор санчгандан кейин кутидан сигарета тортиб олиш иштиёқи анчагина сусайиб қолади».

Мутахассислардан бирининг айтишича, бу метод 100 ҳодисадан 84 тасида ижобий натижа беради. 10—14 йил стажга эга бўлган ашаддий кашандалар бир неча игна терапияси сеансидан кейин сигаретага бутунлай қизиқмай қўядилар.

А. КОШКИН,
«Труд» газетасидан.

● «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«БЕПАРВО ШИФОКОР»

Газетанинг шу йил 4 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада 18-поликлиникада бемор болага бепарво муносабатда бўлингани баён этилган эди. Мақолага шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасидан жавоб олинди.

«Рўй берган ҳодиса Бош бошқармада комиссия тузилиб, кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, М. Зарипова бемор боласи билан врач Л. Қодирова қабулида бўлган. Боланинг ҳарорати баланд бўлгани сабабли изоляторда қабул қилинган ва тегишли диагноз қўйилган. Врач иккита йўлланма берган. Бири — зудлик билан ёрдам кўрсатилиши учун, иккинчиси —болани стационарга ётқизиш ва «тез ёрдам» машинаси чақирилиши учун. Бироқ боланинг онаси буни тушунмай процедура кабинетига бориш ўрнига уйига кетиб қолган.

Мақола Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими медицина советида, район даволаш-профилактика муассасалари коллективлари ўртасида ўрганиб чиқилди. Район соғлиқни сақлаш бўлими бўйича чиқарилган буйруқ билан 18-болалар поликлиникаси бош врачи С. Қосимовага танбеҳ берилди. Болага биринчи ёрдам кўрсатилишини назорат этмагани учун участка врачи Л. Қодировага виговор эълон қилинди. Ҳозир барча поликлиникаларда процедура кабинетлари мавжуд бўлиб, беморларга тегишли ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Қ. ТЎЛАГАНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи.

ТОШКЕНТ— ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

4 ва 7 апрелда газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида тошкентлик шахмат мухлисларининг навбатдаги юришлари эълон қилинган эди. Улар биринчи тахтада олмаоталикларнинг f2—f4 юришига d7—d5 юриши билан жавоб беришган, иккинчи тахтада эса навбатдаги тўртинчи юришни e2—e3 тарзида таклиф қилишган эди. Улар «Вечерняя Алма-Ата» газетасининг 4 апрель сонида эълон қилинди.

Олмаоталик шахмат мухлислари газетхонларимизнинг e2—e3 юришига Cc8—g4 билан жавоб беришди. Ўзлари оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада эса f4 катагида турган пиёда билан e5 катагида турган пиёдани олишди.

Олмаота—Тошкент. Тошкент—Олмаота



Ҳурматли газетхонлар! Ҳар икки тахтадаги вазиятни баҳолаб кўринг. Олмаоталикларнинг f4:e5 юришига қандай жавоб беришни таклиф қиласиз. Ўзингиз оқ доналар билан ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги — бешинчи юриш қандай бўлиши керак! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Биринчи бўлиб энг мақбул юришларни таклиф этганларнинг исми ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 330874, 325680, 325682, 325885, 332895 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

ЁШЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Фигурали учиш бўйича СССР шахсий чемпионати якунига доир

С. ЖУК,
СССРда хизмат кўрсатган тренер.

Тошкентда ўтказилган фигурали учиш бўйича СССР шахсий чемпионатининг ўзига хос хислати шундан иборат бўлдики, ёшлар ва тажрибали спортчилар бор маҳоратини кўрсатишга ҳаракат қилишди.

Жуфт бўлиб учишда Сараево шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида Л. Селезнова ва О. Макаров яхши натижа кўрсатган бўлишларига қарамасдан М. Австрийская ва Ю. Квашнин улар билан тенг беллашдилар. Бу икки спортчи жароҳатланганликлари туфайли биринчиликка яхши тайёргарлик кўра олмаган эдилар. Шуниси диққатга сазоворки, худди шу жуфтлик эркин программани бажаришда биронта ҳам хатога йўл қўймади. Л. Селезнованинг Европа биринчиликларида ва Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, бироз чарчаб қолганлиги сезилиб турди. Чемпионатнинг бу турида Е. Бечко ва В. Корниенко номдор спортчиларни орқада қолдириб, бронза медали билан тақдирланди. Бу ўзига хос янгиликдир. Шунга қарамасдан уларнинг ҳаракатида уйғунлик ва нафислик етишмади.

Энди рақс жуфтлиги ҳақида тўхтайлик. Бу ерда Е. Батанова ва А. Соловьев ғолиб чиқди. Бу табиий ҳолдир.

Эркаклар ўртасида якка учишда В. Егоров биринчи ўринни эгаллади. Фигурали учиш усталари орасида янги ном пайдо бўлди. В. Егоров СССР терма командаси составида Европа биринчилигида ҳам иштирок этган эди. Шоҳсупанинг иккинчи поғонасига Л. Казнаков кўтарилди. Бу ҳар икки спортчини мутахассислар яхши билишади. В. Петренконинг учинчи ўринни эгаллаганлиги ҳаммани қувонтирди. Умуман олганда, эркаклар ўз имкониятларини тўла намойиш эта олмадилар.

Аёллар ўртасида Н. Лебедева ғолиб чиққанлиги табиий ҳолдир. У нафис ҳаракатлари билан ажралиб туради. Лекин биз ундан сакраш борасида маҳорат кутамиз. Бу машқнинг ҳадисини олмаган спортчи халқаро мусобақаларда муваффақиятларга эриша олмайди. М. Серова ва А. Антонова иккинчи ва учинчи ўринни эгалладили.

СССР чемпионатида тошкентлик фигурали учиш усталари ҳам қатнашишди. Улар ҳақида нима дейиш мумкин! И. Шишова ва А. Сулаймонов жуфтлиги менга жуда маъқул бўлди. Афсуски, эркин программани бажаришда А. Сулаймонов йўл қўйган хато умумий баҳога ўз таъсирини кўрсатди. Бу жуфтлик эркин программани зўр маҳорат билан бажарди. Уларнинг машқи мураккаб элементларга бой бўлди.

Ўзбекистонлик фигурачиларнинг бошқа тур баҳсларида ҳам иштирок этганлиги қувончлидир. С. Нўъмонова ва А. Хвалько шулар жумласидандир. Кўриниб турибдики, республикада спортнинг бу тури тобора оммалашиб бормоқда. Ўйлайманки, мамлакат биринчилиги баҳслари уни янада оммалашишига турткн бўлади. Менимча, Чимён спорт-туристик дам олиш зонасида муз спорти саройи қурилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу бир вақтнинг ўзида мамлакатимиздаги энг кучли фигурачилар ва тошкентлик спортчилар учун маҳоратни такомиллаштиришга шароит яратади.

* * *

СУРАТЛАРДА: фигурали учиш бўйича 1984 йилги СССР чемпионлари (юқорида ўнгда) Л. Селезнёва ва О. Макаров (спорт жуфтлиги); ўнгда Е. Батанова ва А. Соловьев (спорт рақси); пастда якка тартибда учиш ғолиблари В. Егоров ва Н. Лебедева.

А. Зуфаров ва Ф. Қурбонбоев фотолари.

Спорт кундалиги

● Чирчиқ шаҳрида от спорти бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ турнири якунланди. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон терма командалари соврин учун курашдилар.

Тошкентлик чавандоз Давлат Борсинбоев умумий якунда иккинчи ўринни эгаллади ва СССР спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлди.

● Тошкентда «Студент спорти ҳафталиги» программаси доирасида ўтказилаётган шахмат мусобақасида олти турдан сўнг ТошДУ терма командаси пешқадамлик қилмоқда. Шахсий ҳисобда шу команданинг аъзоси Т. Воҳидов олдинда боряпти.

● Чимёнда мактаб ёшидаги болалар ўртасида тоғ-чанғи спорти бўйича мусобақалар ўтказилди. Ғолиблик учун 60 дан зиёд бола ва қиз қатнашди.

Об-ҳаво шароити ноқулай бўлишига қарамасдан беллашувларда яхши натижалар кўрсатилди. Бу республикамизда спортнинг тоғ-чанғи тури тобора оммалашиб бораётганлигидан далолатдир.

БИЛДИРИШ

Лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати Тошкент университетининг тингловчилари диққатига.

12 апрель соат 17.00 да В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида «Оғзаки пропаганданинг ленинча принциплари» мавзуида семинар машғулотлари ўтказилади. Семинар раҳбари — Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг референти К. С. Тен.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● ХАЛҚАРО КОНКУРС АРАФАСИДА

Кубалик мусиқа шайдолари гитарачиларнинг халқаро конкурси бошланишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Концертлар 18 апрелдан 25 апрелгача Гаванада бўлиб ўтади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Мексика, Вьетнам, Греция, Япония ва бошқа мамлакатларнинг таниқли 20 музикачиси унда иштирок этиш истагини билдиришди. Аргентинанинг таниқли гитарачиси Мария Луиса Ано жюрининг фахрий раиси этиб сайланди, деб хабар беради «Боэмиа» журнали.

● РУЛДА 70 ЙИЛ

Вортинг шаҳрида истиқомат қилувчи аёл ўз автомобилини соатига 15 миль тезликда ҳайдаб борарди. Полиция патрули уни кўчада ҳаракат тезлигига халақит берганликда айблаб, йўлда тўхтатди ва протокол тузиб судга оширди. Судья юз берган аҳволни синчиклаб ўрганиб чиқиб Лилиан Сломэннинг ҳайдовчилик гувоҳномасини бекор қилди ва унга машина бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани олиши учун қайтадан имтиҳон топширишини айтди.

Кичик вилоят шаҳарчасида юз берган унчалик ҳайратланарли бўлмаган бу йўл ҳаракати ҳодисаси ҳақида барча инглиз матбуоти хабар берди. Ҳамма гап шундаки, йўл ҳаракати қоидасини бузган бу аёл яқинда ўзининг 91 ёшини нишонлаган эди. У шофёрлик гувоҳномасини биринчи бор бундан роппа-роса 70 йил муқаддам, биринчи жаҳон уруши вақтида олган эди. Ана шу 70 йил мобайнида унга бирорта ҳам «протокол» ёзилмаган экан...

● ПОЛИЦИЯ КИЙИМИДАГИ ТУНОВЧИ

Осака шаҳри полиция инспекторининг 42 ёшли ёрдамчиси Хироси Нагатани соф виждонли хизматчи, яхши оила бошлиғи, тарбия кўрган, сертакаллуф киши деб ҳисоблашар эди. Лекин ана шу барча яхши фазилатлари уни куппа-кундуз туновчилик қилишдан тўхтатиб қололмади.

Ниқоб кийиб олган Нагата банкка бостириб кириб, банк хизматчиларини ўлдираман деб қўрқитиб, сейфни очишни улардан талаб қилди. Бойлик 10 миллион иен экан. Туновчини банк дарвозасидан 150 метр нарида қўлга туширишди.

Полициячилар ўз ҳамкасбларини қўлга туширганликларини участкага келганларида билишди. Нагата ўзининг молиявий аҳволини ўғирлик қилиш йўли билан бироз яхшилаб олишга қарор берганлигини тан олди.

● САРИҚ ОСМОН

Баҳор фасли бошланиши билан Япония осмони кўм-кўклашиш ўрнига сариқлашиб боряпти. Бунинг боиси шундаки, баҳор шамоллари Японияга Гоби чўлидан сариқ қумлар массасини учириб олиб келишидир.

Гарчи бу йил Япония оролларига баҳорнинг кириб келиши бироз кечикаётган бўлса-да, шунга қарамай Япониянинг турли районларида сариқ осмонни бир неча марта кўриш имкони туғилди.

● ЭЧКИГА ЖОН ҚАЙҒУСИ

Ўз хонасида йиқилиб оғир шикастланган кекса бир америкалик мадад сўраб 8 соатдан ортиқ нола чекди. Қўни-қўшнилари унинг нолаю фиғонларига парво ҳам қилишмади. Шунда ҳалиги америкалик милтиқдан бир неча марта ўқ узди. Атланта шаҳри (Жоржия штати) полицияси воқеа содир бўлган жойга зудлик билан етиб келди: унинг мақсади ёрдам бериш эмас, балки ҳалиги бечора камбағалга шаҳар ичида ўқ узганлиги учун жарима солишдан иборат эди.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИДА
ШАРҚ КУЙЛАРИ ЯНГРАЙДИ

2-«КОСМОС» МАГАЗИНИДА

11—14 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
МИЛЛИЙ МУЗИКА АСБОБЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

«КОСМОС» МАГАЗИНИ — Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 2-уйда жойлашган.

МАГАЗИН соат 10 дан 19.00 гача (танаффус соат 14 дан 15.00 гача) ишлайди. Душанба — дам олиш куни.

Магазинга 4, 9, 11-трамвайлар, 3, 70, 77-автобуслар, 6, 11 троллейбуслар ва метро билан бориш мумкин.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 91-18-79).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ ҚОШИДАГИ

9-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ФИЛИАЛИ

1984 ЙИЛГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Филиал малакали печатниклар ва қўлда ҳарф терувчиларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Совет Армияси сафларида ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ва ўрта маълумоти бор йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқиш вақти мобайнида биринчи разрядли ишчи тариф ставкаси ҳажмида стипендия тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, медицина справкаси (286-форма), 4 дона фотосурат (3х4 см.) ва 2 та фотосурат (4х6 см.).

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри: «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—1985 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БОҚҚОЛЛИК-КОНДИТЕРЛИК, ГАСТРОНОМИЯ, ГЎШТ-БАЛИҚ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ГАЗЛАМА, ТИКУВ БУЮМЛАРИ, ПОЙАФЗАЛ, ТРИКОТАЖ, ГАЛАНТЕРЕЯ, ПАРФЮМЕРИЯ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАР.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 1 йил.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 ёшдан 20 ёшгача (Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 23 ёшгача) 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги Бош универмаг— ГУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.

Агар билим юртини битирувчи ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, малака бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширса, педагогик советининг қарорига мувофиқ билим юртини битириб бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади (битирувчилардан 10 проценти).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10, 11-синфлари ишлайди.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари область Советн ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: Тошкент —700173, Чилонзор массиви, Акмал Икромов района, Бобур кўчаси, 3-уй. Телефон 78-44-30 (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота», 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиник касалхонаси бекати).

Тошкент область Орджоникидзе районидаги

21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист (ремонт қилиш слесари ва автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи билан), **мева сабзавотчилик — усталари, чорва молларини ветобработка қилиш ва молхоналарни дезинфекция қилиш операторлари, чорвачилик фермалари механизаторлари** (электромонтёрлик квалификацияси билан), **чорвачилик комплексларида ишлатиладиган ускуналарни** ремонт қилиш слесарлари, чорвачилик усталари, 3-класс **тракторчилари.**

БИЛИМ ЮРТИ 1962 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАШ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ КЕЛАДИ.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган: Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танлаган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради.

Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фототўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 3 йил ва 1 йил. 3-класс тракторчи группаларида ўқиш муддати 6 ой.

Ўқишни битирган барча ўқувчиларга, Тошкент авиазаводида ишлаш учун йўлланма берилади.

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист ва мева-сабзавотчилик усталари группаларига фақат 8-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади. Қолган мутахассисликлар бўйича 3 йиллик группаларга 8 синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10 синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 8 ёки 10 синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат. Билим юрти адреси: Тошкент область, Орджоникидзе району «Геофизика» посёлкаси. Тошкент шаҳридан (1, 16, 24-автобусларда «Троицкий поворот» бекатигача борилади. Горький номли метро станциясидан 63-автобусда, 1-«Қорасув» бекати, Луначарский шоссеси «Центр» бекатидан «Тошкент—Чингелди», «Тошкент—Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати).

О, ПОВИДЛО, ҚАНДАЙИН ЛАЗЗАТ...

НАҚАДАР ШИРИН, ЕЙИМЛИ, ХУШБЎЙ.

Катталар ҳам, кичиклар ҳам уни нонга, қуймоқ, печеньега суртиб иштаҳа билан ейишади.

Устига повидло суртилган қип-қизил, юмшоқ ватрушкалар, пончик, пирогларни еркансиз, бармоқларни ялаб тўймайсиз!

ТОТИБ КЎРИНГ — РОСА МАЗАЛИ!

20 грамм хамиртурушни 1/2 стакан сувда эритасиз, озроқ ун қўшиб, суюқ кашасимон ралашма ҳосил қиласиз. Ўртача катталикдаги тунука товага 1/2 стакан унни уюб соласиз, ўртасини воронкасимон қилиб очасиз ва хамиртуруш аралашмасини қуясиз. Алоҳида тарзда иккита бутун тухум ва 1 тухум сариғини 100 грамм қанд талқони, бир чимдим туз ва 1/2 стакан қиздирилган ёғ билан аралаштирасиз. Тухум аралашмасини хамиртуруш қоришмаси устига қуйиб юмшоқ хамир қорасиз.

Хамир ошгач, жўва билан уни тахминан бир сантиметр қалинликда ёйинг. Ёйилган хамир устига повидлю солиб, рулет қилиб ўранг, ёғланган шаклий қолипга жойланг. Ўртача қиздирилган духовкада пиширинг.

ПОВИДЛОЛИ ПИРОГ

2 дона тухумга 100 грамм шакар солиб, оқаргунча аралаштиринг. Қуюқлашган аралашмага 1/2 стакан кунгабоқар ёғи, 3/4 стакан иситилган сут ва 1 та ванилин порошогини қўшинг. Кейин 2 стакан эланган ун солиб, яхшилаб аралаштиринг ва ёғланган, ун сепилган тунука товага жойланг. Олтинранг бўлиб қизаргунча пиширинг. Пишган пирогни товадан тушириб, устига повидло суртинг.

1/2 стакан шакар ва 1/2 стакан сувдан сироп қайнатинг. Алоҳида идишда тухум оқини аралаштириб кўпиртиринг ва унга иссиқ сиропни аста-секин қуя боринг, айни вақтда жуда секин қориб туринг. Тухум оқи сиропни ўзига сингдириб олгач, уни бир текисда повидло устига қуйинг ва устига майдаланган шоколад сепинг.



ШАКАР ҚЎШИБ ТАЙЁРЛАНГАН ОЛМА, НОК, БЕҲИ, ОЛХЎРИ, ШАФТОЛИ, ТОҒОЛЧА ПОВИДЛОЛАРИНИ «ТАШПЛОДООВОЩ» БИРЛАШМАСИ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

«ТАШПЛОДООВОЩ» (телефон 55-40-55).

«БОЛАЛАР ТАОМЛАРИ»

ЯНГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНИ

(Биринчи Май кўчаси, 30-«а» уй)

ОЧИЛДИ

МАГАЗИНДА ЭНГ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН НОЗУ-НЕЪМАТЛАР, СУТ ҚОРИШМАСИ ВА КАША СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН: «ЗДОРОВЬЕ» (буғдойли, гуручли, сули уни), **гуручли каша, сут аралаштирилган гуручли каша, арпа кашаси, олма киселн, шакар, манна крупаси, гуруч, печенье, олма ва узум шарбати.**

Транспорт: 2, 3, 15, 25, 27, 28-трамвайлар; 4, 18-троллейбуслар; 10, 28, 64, 65, 72-автобусларнинг «Болалар дунёси» бекати).

КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 33-92-56).

СИЗ БУГУН УХЛАБ ҚОЛДИНГИЗМИ?

Будильникнинг қўнғироқ овози янгради. Сиз шу пайт «яна 5 минутча ухлаб олай», — дедингизу, хизматга кечикиб қолдингиз.

Агарда сиз «Электроника» стол соатларини сотиб олсангиз ҳеч қачон ухлаб қолмайсиз. Чунки бу соатлар биринчи овоз сигналидан кейин 5 минут ўтиши билан яна уч марта сигнал беради.

«ЭЛЕКТРОНИКА 2-11» СОАТЛАРИ — кўркам, аниқ юради, бежиримдир. Ҳатто кечаси қоронғи хонада ҳам сиз нур сочиб турувчи рақамлар ёрдамида вақт (соат, минут, секунд) қанча бўлганлигини беҳато аниқлай оласиз.

Баҳоси — 27 сўм.

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН САЛОНИ (телефон 33-78-34).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24 (25).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ТЕАТРИДА — 11/IV
Шекспир асарлари асосида
лет триптихи, 12/IV да
Карлос, 13/IV да Одам
яратилиши.

ҲАМЗА НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ТЕАТРИДА — 11/IV
Зебуннисо, 12/IV да
13/IV да **Зебуннисо.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
РИДА — 11/IV да
12/IV да **Хизматингизга**
миз, 13/IV да **Ёшликда**
кўнгил.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
КИДА — Совет цирки
ри ва татар «Сабан
аттракционининг
(19.30).

кино

11 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА ҚОБ» — **Санъат саройи** зал, 17, 19, 20.30, лефон 44-21-74), **Чайка** соатларда телефон 77-0 **Москва** (тоқ соатларда, фон 33-05-01), **ВЛКСМ йиллиги** (жуфт соатлар лефон 33-44-52).

«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚ БИЛАН ТАЪМИНЛАН ЛАР» — **Ватан** (жуфт ларда), **Қозоғистон** (жуфт ларда, телефон 35-2 **Ўзбекистон ССР 25 номли** (тоқ соатларда, 53-65-87), **Тинчлик** (жуфт атларда, телефон 58-3 **Восток** (жуфт соатлар лефон 91-14-61), **Санъат саройи** (кичик зал, 11, 17, 19.30).

«СЕНИНГ ФРОНТИНГ ЕР» — **Искра** (жуфт да, телефон 39-14-59).

«КНЯГИНЯ ОЛЬГА ДА АФСОНА» — **Ҳамза ли** (11, 13.30, 16, 18.30, телефон 91-10-51).

12 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА ҚОБ» — **Санъат саройи** зал, 11, 13, 17, 19, 20.30, лефон 44-21-74), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** соатларда, телефон 53-6 **Чайка** (жуфт соатларда, фон 77-06-20).

«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚ БИЛАН ТАЪМИНЛАН ЛАР» — **Ватан** (жуфт ларда, телефон 35-2 **Москва** (тоқ соатларда, фон 33-05-01), **ВЛКСМ йиллиги номли** (жуфт соатлар да, телефон 33-44-52), **номли** (жуфт соатларда, фон 91-10-51), **Восток** соатларда, телефон 91-1 **Санъат саройи** (кичик зал, 13, 15, 17, 19.00).

«СЕНИНГ ФРОНТИНГ ЕР» — **Искра** (жуфт да, телефон 39-14-59), (жуфт соатларда, 58-36-06).

«КНЯГИНЯ ОЛЬГА ДА АФСОНА» — **К. Ёрматов номли** (11, 14, 17, 12, 15, 18, 21.00, 24-22-66).

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 15-кечки ёшлар мактаби томонидан **Жалолов Бахтиёр Жўрабоевич** номига берилган 435254 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 157-ўрта мактаб томонидан **Абдувалиев Рустам Паттоховичь** номига берилган 012747 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

чоршанба

11 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.40 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.25 «Агар соғлом бўлай десанг». 4-кўрсатув.
18.40 Хоккей бўйича «Швеция кубоги» халқаро турнири. Швеция — СССР терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Швециядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.15) — «Дунё воқеалари».
20.05 Бутуниттифоқ конкурс лауреати В. Шчербаков чалади (балалайка).
20.20 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.10 Останкино концерт студиясида ўқитувчилар учун концерт.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 Бошқирдистон АССР Давлат рақс ансамблининг концерти.
19.50 «Қурилиш ва архитектура».
20.00—20.30 Адабий ўқиш. К. Федин. «Илк қувончлар».
20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» —«Нефтчи». 2-тайм.
21.30 «Время».
22.10 «Китлар жўнаб кетаётганда». Телевизион бадиий фильм.
23.30 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. АСК (Минск) — «ЗИИ».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.).
19.10 «Песняри» билан йигирма минут» Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).

ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.45 Болалар учун. «Моҳир қўллар».
20.05 «Жило бериб ипакка». «КПСС XXV съезди» номли Урганч ипак-йигирув фабрикасининг коллективи ҳақида телеочерк.
20.30 «Ахборот».

ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИ ПРОГРАММАСИНИНГ ДАВОМИ

20.50 «Достон ва халфа қўшиқлари».
21.30 Москва. «Время».
22.10 ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИ ПРОГРАММАСИНИНГ ДАВОМИ. Қ. Омаров, Қ. Матризаев. «Қасам ва виждон». Огаҳий номли Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг спектакли.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқув программаси.
18.50 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
19.10 «Шаҳар меҳмонларни кутиб олмоқда» (рус.).
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.00 «Иқбол». Сут соғувчи қизларнинг конкурс программаси (такрорий).
21.30 МТ II

пайшанба

12 АПРЕЛЬ

КОСМОНАВТИКА КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 Мультфильмлар.
10.20 Ф. Шопен этюдлари.
10.50 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.55 «Парвоздан кейинги мулоҳазалар». Космонавтларни узоқ парвозларга тайёрлаш ҳақида. Илмий-оммабоп фильм премьераси.
12.15 Эстония болалар хори куйлайди.
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 Кутаиси шаҳар Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.30 «Ҳаёт синовидан ўтган далиллар». Илмий-оммабоп фильм.
16.45 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
17.30 «Шахмат мактаби». Хатларга жавоблар.
18.00 «Миллионлар ленинча университети». Социалистик экономикани бошқариш.
18.30 «Агар соғлом бўлай десанг». 5-кўрсатув.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Космонавтика кунига «Инсон. Ер. Коинот».
20.25 «Жадаллаштириш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 В. Панова. «Тўймисан, тўй». Телеспектакль.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Қоратоғ: йигирманчи баҳор». Телефильм.
9.55 «Паррандалар ва жониворлар ўз уясида». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 «Оналарнинг мактаби».
13.00 М. Шолохов. «Инсон тақдири».
14.15 Совет тасвирий санъати. Е. А. Кибрик.
15.05 «Ердаги излар». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ўз бахтимни излайман». Кўрсатувда Минск шаҳридаги ўрта мактаб ўқитувчиси Л. Смолик Черкасов областидаги «Путь к коммунизму» колхозининг раиси В. Гонтар, учувчи И. Коцеп, КамАЗ ишчиси И. Лимонова иштирок этадилар.
19.30—20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Номаълум тўсиқ». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Космонавтика кунига. «Эврика». Кинокўрсатув.
19.00 «Космонавт Владимир Жонибеков». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан».
20.10 «Тулки, кундуз ва бошқалар». Катталар учун фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР халқ артисти К. белян раҳбарлигидаги нистон Давлат эстрада кестрининг концерти. Ленин номидаги СССР лари дўстлиги саройи трансляция пайтида олинган.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экиш мавсуми кундалик
22.25 Арманистон Давлат оркестрининг концерти вомн).
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси
18.10 «Ер ва юлдузлар». фильм.
18.35 «Сўнгги учрашув». фильм.
19.00 Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Классик куй саҳифалари
21.20 «Самолётлар ишончли ларда». Ҳужжатли фильм
21.30 МТ II

Тошкент электромеханика заводи коллективи ОТК бош ги Т. И. Қаюмовга отаси

Иком ҚАЮМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи редакция ходими Ф. Ма хўжаевага онаси

Жамила ҚУРБОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-5 шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

11 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—09187. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11